*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 28 май, шанба • № 43 (11.742) Эркин нархда сотилади

# ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25-27 май кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди**

Хитойнинг БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси эканлиги, халқаро аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда унинг нуқтаи назари ва қарашларига алоҳида эътибор берилиши, ҳарбий салоҳияти, коинотни тадқиқ этишдаги ютуқлари, шунингдек, ялпи ички маҳсулот, ташқи савдо ва экспорт ҳажми жиҳатидан етакчи ўнликка кириши, иқтисодий ўсиш борасида олдинги ўринларда туриши Чин юртининг жаҳон иқтисодиёти ва халқаро сиёсат майдонидаги ўрни ҳақида муайян тасаввур беради. «Осиё аждарлари»нинг аксариятини анча ташвишга солган 1997 йилги Жануби-шарқий Осиё иқтисодий бўҳрони Хитойга жиддий таъсир кўрсатмагани ҳам унинг нечоғли қудратли ва салоҳияти баланд эканлигидан далолатдир.

Ўзбек ва хитой халқлари алоқаларининг тарихи Буюк Ипак йўлининг ўтмишидек неча минг йилликлар қаъридан бошланади. Бу алоқалар ҳозир замоннинг энг долзарб талабларига мос ҳолда ривожланиб бормоқда. Албатта, бунда икки мамлакат раҳбариятининг ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига қарашлари ўхшаш, халқаро ва минтақавий муаммоларга доир нуқтаи назари яқин эканлиги, Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао ўртасидаги дўстлик муносабатлари қарор топгани муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида давлат раҳбарлари, вазирлик ва идоралар, илмий доиралар, маданият ва санъат намояндалари, иш одамлари даражасидаги учрашувлар мунтазамлик касб этгани ҳам икки томонлама муносабатлар ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат асосида равнақ топиб бораётганидан далолатдир. 2004 йил ХХР Раиси давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлган эди. Мана, энди Ўзбекистон Президенти давлат ташрифи билан Хитойга борди.

Мулоқотларнинг узвийлиги ўзаро алоқаларни таҳлил этиш, минтақада ва дунёда рўй бераётган воқеаларни муҳокама қилиш учун яхши имконият яратади. Тошкент саммити якунида Ўзбекистон ва Хитой олдига янги вазифалар қўйилган эди. Бу галги музокараларда ўтган қисқа вақт мобайнида биргаликда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Шу маънода, Пекин учрашувини Тошкент саммитининг мантиқий давоми, деб айтиш мумкин.

Ислом Каримовнинг Хитой сафарига Ху Цзиньтаонинг ташаббуси билан давлат ташрифи мақоми берилди. Ташриф асносида жами 24 ҳужжатга имзо чекилди. Булар Хитойнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга улкан иштиёқидан далолат беради.

Пекинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан ХХР Раиси Ху Цзиньтао ўртасида аввал тор доирада, кейин кенгайтирилган таркибда музокаралар бўлиб ўтди. ХХР Раиси Президентимизни Хитойга ташрифи билан самимий қутлаб, давлатимиз раҳбарининг икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссасини юксак қадрлашини таъкидлади. Ислом Каримов эса Ўзбекистон Хитойни яқин қўшни ва ишончли шерик деб билишини қайд этди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга оид масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар. Савдо-иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий; ижтимоий-маданий соҳалардаги алоқаларнинг бугунги аҳволи таҳлил этилди, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Мулоқотларда мамлакатимиздаги энергетика манбаларини тадқиқ этиш ва ўзлаштириш, транспорт, алоқа ва ахборот технологиялари соҳаларида ҳамкорликни янги поғонага кўтариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартномага имзо чекдилар. Бу ҳужжат икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга ва алоқалар кўламини янада кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга қаратилган.

Ислом Каримов мазкур Шартнома Ўзбекистон-Хитой муносабатлари ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганидан далолат эканлигини, стратегик шериклик муносабатларини равнақ топтириш учун мустаҳкам асос бўлишини таъкидлади.

Ху Цзиньтао Шартнома икки мамлакат халқларининг анъанавий дўстликни қўллаб-қувватлаш йўлидаги қатъий саъй-ҳаракатларини намоён этишини, Ўзбекистон-Хитой муносабатларини узоқ муддатли асосда ривожлантириш учун мустаҳкам сиёсий ва ҳуқуқий замин яратишини қайд этди.

Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берамиз, деди Хитой раҳбари. Шартнома руҳиятига мувофиқ, анъанавий дўстликни мустаҳкамлаш, шерикликни фаоллаштириш учун Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликка тайёрмиз. Хитой ўзбек халқининг ўз миллий хусусиятларидан келиб чиқиб танлаган тараққиёт йўлига, мустақилликни мустаҳкамлаш, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни дахлсиз сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларига ҳурмат билан қарайди, деб алоҳида таъкидлади ХХР Раиси.

Ўзбекистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида техникавий-иқтисодий ҳамкорлик ва божхона иши соҳасида ўзаро ёрдам тўғрисидаги битимлар, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2005-2006 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Иқтисодиёт вазирлиги билан Хитой Давлат ривожланиш ва ислоҳотлар ишлари қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази билан Хитой Фан ва техника вазирлиги ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори технологиялар ва инновациялар бўйича Ўзбекистон-Хитой илмий-кўргазма марказини ташкил этиш тўғрисидаги идоралараро англашув протоколи, адлия вазирликлари ўртасида суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан Хитой Ахборот саноати вазирлиги ўртасида алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан Хитой Тижорат вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, молия вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан Хитойнинг радиоэшиттириш, кинематография ва телевидение ишлари бўйича бош бошқармаси ўртасида радиоэшиттиришлар ва телевидение соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Хитойнинг Миллий сайёҳлик маъмурияти ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Хитойнинг Халқаро савдони ривожлантириш қўмитаси ва Халқаро савдо палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси ўртасида Ўзбекистон ҳудудида геологик қидирув ишларини бажариш ва нефть конларини ишлатиш бўйича «ЎзCNPC Петролиум» қўшма корхонасини тузиш тўғрисидаги битим, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан Хитой Миллатлар марказий университети ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Имзоланган ҳужжатлар рўйхатининг ўзиёқ ташриф давомида муносабатларимиз кўламини кенгайтирадиган ва ҳамкорликни янги мазмун, муайян режалар билан бойитадиган масалалар кўриб чиқилганини кўрсатади. Техникавий-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим алоқаларни ривожлантириш жараёнини соддалаштиришга, янги йўналишларни очишга хизмат қилади. Божхона ишига оид битим эса ўзаро савдо алоқаларини енгиллаштиради.

Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги мулоқотнинг фаоллаштирилиши, савдо-саноат палаталарининг бевосита алоқалари ҳам қатор қулайликлар яратилишини кўзда тутади. Иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, алоқа ва ахборот технологиялари билан шуғулланувчи вазирлик ва идораларнинг ҳамкорлиги нечоғли фойдали эканлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Зеро, қишлоқ хўжалиги Ўзбекистонда ҳам, Хитойда ҳам иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан саналади, алоқа ва ахборот технологиялари эса ҳозирги кунда энг долзарб соҳалардан биридир.

Телерадио соҳасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон ва Хитой ўртасида кенг кўламда ахборот алмашувини йўлга қўйишга қаратилган. Ахборот асрида бир-биридан хабардорлик, ҳамкорлар ва шериклар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш ғоят муҳим. Сайёҳларнинг борди-келдисини кўпайтириш ҳам халқларимизни бир-бирига янада яқин таништиришга, ўзаро ишонч ва дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Олий ўқув юртлари алоқаларининг самараси сифатида Тошкент давлат шарқшунослик институтида Конфуций номидаги Ўзбекистон-Хитой институти, Хитой Миллатлар марказий университетида ўзбек тили бўлими очилганини қайд этиш ўринлидир. Таъкидлаш жоизки, Хитойнинг мазкур олий ўқув юрти кадрлар тайёрлаш борасидаги халқаро ҳамкорлик тажрибасини айнан Ўзбекистондан бошлади. Мазкур университетга ўзбек тилини ўрганиш бўйича кўплаб қўлланма ва илмий-услубий адабиётлар тақдим этилган. Ташриф асносида эса университет жамоасига Ислом Каримов асарларининг тўплами топширилди. Бу Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги энг янги тарихини, мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни ва уларнинг самарасини чуқур ўрганишда хитойлик талабалар учун муҳим дастуриламал бўлади.

Нефть-газ соҳасидаги ҳамкорликка оид битим Ўзбекистонга 600 миллион АҚШ доллари миқдорида Хитой сармояси киритилишини кўзда тутади. Дунёда энергияга талаб ошиб бораётган ҳозирги кунда бу келишув ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда энергетика заҳиралари кўп. Ҳали барча конлар яхши ўрганиб чиқилмаган. Ер ости бойлигини юзага чиқариш ҳам анча меҳнат ва маблағ талаб қилади. Шу маънода, Хитой билан бу йўналишдаги ҳамкорлик икки томон учун ҳам айни муддаодир.

Икки мамлакат раҳбарларининг суҳбати чоғида халқаро террорчилик, экстремизм ва айирмачиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама этилди. Бунда ШҲТнинг, хусусан, унинг Тошкентда жойлашган Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг аҳамияти катта эканлиги таъкидланди. Бу иллатларга қарши курашда, тинчлик ва барқарорликка раҳна солувчи таҳдидларнинг олдини олишда кўп томонлама ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик асосида иш юритилганда кутилган натижага эришиш мумкин. Бу борада томонларнинг фикри бир жойдан чиқди.

Президент Ислом Каримов Пекин сафари давомида ХХР Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябао билан учрашди. Ушбу мулоқот икки давлат раҳбарларининг музокараларида эришилган келишувларни ҳаётга жорий қилишнинг амалий жиҳатлари муҳокамасига бағишланди.

Давлатимиз раҳбарининг ХХР Давлат кенгашининг ташқи сиёсат ва минтақавий ҳамкорлик масалалари учун масъул аъзоси Тан Цзясюань билан учрашувида ўзаро сиёсий муносабатлар, Ўзбекистон-Хитой алоқаларини ривожлантириш орқали Марказий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президентимизнинг Хитой ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин, молия вазири Цзинь Жэньцин, тижорат вазири Бо Силай билан учрашувларида асосий эътибор сиёсий ва савдо-иқтисодий алоқаларга қаратилди. Б.Силай билан учрашувда Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди. Ушбу мулоқот чоғида ҳамкорликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов ШҲТ ижрочи котиби Чжан Дэгуанни қабул қилди. Учрашувда ШҲТ фаолияти, ташкилотнинг навбатдаги саммитига тайёргарлик, минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидламоқ жоизки, Ислом Каримовнинг ташрифига икки томон ҳам юксак ҳозирлик кўрди. Олий мақомдаги учрашувлар қаторида вазирлик ва идоралар даражасида ҳам кўплаб музокаралар ўтказилди. Булар натижасида ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Хитой Эксимбанки ўртасида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ҳамда Тўполанг ГЭСига агрегат ўрнатиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида иккита кредит битими, «Фарғонаазот» ОАЖ билан «Гринкул» компанияси ўртасида қўшма корхона тузиш тўғрисида таъсис ҳужжатлари, «Мотор заводи»да «Гринкул» компанияси иштирокида двигателлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тўғрисида ҳамкорлик меморандуми, икки мамлакат ҳамкорлигида мобиль телефон аппаратлари ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик меморандуми, «Марказсаноатэкспорт» компанияси томонидан Хитойга мис етказиб бериш тўғрисида муваққат битим, «Ўзсаноатмашимпекс» компанияси томонидан Хитойга пахта етказиб бериш тўғрисида муваққат битим, «Ўзкимёсаноат» компанияси билан «Луянг Ланбин» компанияси ўртасида англашув протоколи, «Ўзкимёсаноат» компанияси билан «Гринкул» компанияси ўртасида қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида бош битим имзоланди.

Ташриф давомида қабул қилинган ҳужжатлар Ўзбекистонга жами 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида Хитой сармояси киритилишини кўзда тутади. Ишбилармон доираларнинг ҳамкорлиги натижасида саноатнинг янги соҳалари ўзлаштирилиши, бир неча қўшма корхона тузилиши диққатга сазовордир.

Ху Цзиньтаонинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида эришилган савдо-иқтисодий ва сармоявий келишувларнинг молиявий ҳажми 350 миллион АҚШ долларини ташкил этганди. Хитой ташрифи асносидаги музокаралар бу кўрсаткични бир неча карра оширди, ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналишларини белгилаб берди.

Ху Цзиньтао билан олий даражадаги учрашувдан сўнг Президентимиз яна бир неча музокара ўтказди. Хитой ҳукумати вакиллари Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи ғоят самарали кечаётганини таъкидлаб, Ислом Каримовни эришилган муваффақият билан самимий қутладилар.

Яна бир диққатга сазовор жиҳат шуки, Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао амалий ҳамкорликни кенгайтириб бориш, олий даражадаги мулоқотларнинг мунтазамлигини таъминлашга келишиб олдилар. Бу Пекин учрашувлари мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги поғонага кўтаришда навбатдаги залворли қадам эканлигидан, истиқболда Ўзбекистон-Хитой муносабатлари янада кенг кўламда ривожланиб боришидан далолатдир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Пекин-Тошкент.**

• *«Баркамол авлод – 2005»*

# ЮРТИМИЗ СПОРТИ КЕЛАЖАГИ БУЛАР



**«Баркамол авлод — 2005» спорт ўйинларининг ҳал қилувчи палласи яқинлашгани сари шоҳсупадаги совринли ўринларни забт этиш учун кураш янада қизғин тус олмоқда. «Кичик олимпиада» дастуридан ўрин олган миллий кураш, енгил атлетика ва сузиш турлари бўйича мусобақаларга куни кеча якун ясалиб, ғолиб ва совриндорлар аниқланган бўлса, белбоғли кураш, теннис, стол тенниси, бокс турлари бўйича баҳслар бугун ниҳоясига етади. Қолган турлари бўйича ғалаба қозонганлар ва «Баркамол авлод — 2005» спорт мусобақаларининг умумжамоа ҳисобидаги ғолиблари номлари эртага маълум бўлади.**

Мезбон вилоят шаҳар ва туманларидаги спорт иншоотларида кечаётган қизғин мусобақалар билан бир вақтда иштирокчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар ҳам махсус дастур асосида давом этмоқда. Авало шуни таъкидлаш жоизки, мусобақа иштирокчилари жойлашган барча меҳмонхоналарда эрта тонгда Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, миллий мадҳияси янграмоқдаки, бу ёш спортчилар руҳини кўтариб, уларга янги куч-ғайрат бағишламоқда ва навбатдаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаш учун муросасиз, аммо, ҳалол ва холис кураш олиб боришга ундамоқда.

Нонуштадан сўнг бир кун олдинги мусобақаларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилганларнинг исм-шарифлари тантанали суратда эълон қилиниб, уларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг қимматбаҳо совғалари топширилмоқда. Шу билан бир вақтда ёш спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар, умуман, «Баркамол авлод — 2005» спорт ўйинлари иштирокчиларию ташкилотчиларининг туғилган кунлари ҳам бир йўла нишонланиб, эсдалик совғалари тақдим этилмоқда.

Тошкент давлат маданият институти, вилоят маънавият ва маърифат кенгаши, вилоят ёзувчилар уюшмаси, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, суҳбатлар уюштирилмоқда, халқ севган санъаткорлар иштирокида махсус концерт дастурлари намойиш этилмоқда.

Мана шундай ҳузурбахш жараённи кузатиш ва унинг бевосита иштирокчисига айланиш мақсадида Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежига ташриф буюрган вилоятимиз бокс мактаби тарбияланувчиси, Олимпиада ўйинлари бронза медали соҳиби Рустам Саидов ўз таассуротларини шундай баён этди:

— Коллежнинг ўқув биноси ва спорт иншоотларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўриб, ҳайратда қолдим. Жонажон билим юртимда бу қадар эътироф этишга арзигулик ишлар қилиниши ҳукуматимиз томонидан ёшларни жисмонан ва маънан етук қилиб тарбиялашга юксак эътибор бераётганидан дарак бериб турибди. «Баркамол авлод» мусобақалари ҳақида исталганча гапириш мумкин. Мен Олимпиада ўйинларида иштирок этганман. Ушбу турнир эса ўзбек ёшларининг «Кичик олимпиадаси» сифатида ҳам қадрлидир. Мана шундай бетакрор турнирларга асос солинган юртнинг фарзандлари Ватан довруғини бутун дунёга ёйишга қодирдир, бунга асло шубҳам йўқ.

*(«Баркамол авлод» спорт ўйинлари жараёни ҳақидаги материалларни газетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз.)*



• *Муносабат*

# Ватанга ишончли қалқонмиз

**Ҳар бир инсон туғилиб ўсган, киндик қони томган заминни Ватан деб билади ва уни кўз қорачиғидек асрашга интилади. Ундан йироқлашса, соғинади.**

Қай юртга бормасин, уни ўз юрти тупроғи оҳанграбодек тортаверади. Бу Ватан туйғусидир. Шу туйғу билан яшайдиганлар эл-юрт тараққиёти учун курашиш, уни ҳимоялаш йўлида жон фидо қилишдан ҳам қайтмайдилар. Шундай фарзандлари бўлган юртда осойишталик ҳукм суради.

Жонажон Ўзбекистонни ана шундай фидойилар юрти дейиш мумкин. Бироқ, шоли курмаксиз бўлмас экан. Ноқобил чиққан фарзандлар ўз юртига тош отишдан ҳам тоймас эканлар. Яқинда Андижонда юз берган воқеалар буни яна бир бор исботлади. Кишиларни янада хушёр бўлишга ундади.

Юртбошимиз бир неча йил аввал ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида огоҳликка даъват этар экан, жаҳон жамоатчилиги экстремистик таҳдидлардан эҳтиёт бўлиш кераклигини алоҳида таъкидлаган эди. Дунё аҳли эса бунга унчалик аҳамият бермаганди. Яра газак олиб, кеч бўлганда миллатларнинг кўзи очилди, халқлар бирлашди. Бироқ, терроризм, диний экстремистик хуружлар ер юзига тарқалиб бўлганди. Дунёда портлашлар, ўлдир-сўйлар кўпайгандан кўпайиб борарди. Бундай воқеаларни содир этаётганлар эса кўплаб давлатларда қонунга хилоф тарзда, яъни хуфёна фаолият кўрсатаётган диний экстремистик оқимларнинг ғояларини байроқ қилиб, ислом халифалигини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Уларнинг хатти-ҳаракатларида чин мусулмонга хос фазилатлар ўрнини жоҳиллик, ёвузлик эгаллаган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бир неча бор содир этилган хунрезликларда ҳам айнан ана шундай гуруҳларнинг қўли бор эди. Кўплаб ёшларимизни ҳар хил баҳоналар билан хорижий давлатларга олиб боришиб, у ерда тажрибали террорчиларнинг ўқув машғулотларидан ўтказиб, қўпорувчилик ва жанг қилиш услубларини ўргатиб, ватани ва халқига қарши уриш учун Ўзбекистонга юборардилар. Манқуртга айланган, ҳали ўн гулидан бир гули очилиб улгурмаган ёшлар эса, ҳатто, ота-онасига ҳам тиғ кўтаришдан тоймадилар.

Бундай балоларни ер юзидан супуриб ташлаш учун ҳали имконият етарли. Бунинг учун ҳар бир миллат, ҳар бир фуқаро ҳушёр, сергак бўлиб, ўз юрти, ўз уйини, маҳалласини, муқаддас Ватанини ҳимоя қилишга шай турмоғи лозим.

Биз ўзбекистонликлар келажак авлодга озод ва обод юртни қолдиришга бурчлимиз. Шу боис, ҳар қандай қўпорувчи, экстремистик кучларни ватанпарвар халқимиз кўмагида янчиб ташлашга қодирмиз.

**Алибек ЧЕГЕБАЕВ,**
**Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди. Унда журналистлар шу йил 13 май куни Андижонда содир этилган фожиали воқеалар юзасидан қўзғатилган жиноий иш бўйича бошланган дастлабки терговнинг натижалари билан таништирилди.**

Илгари хабар қилинганидек, мазкур воқеа бўйича Ўзбекистон Бош прокурори томонидан 2005 йил 13 майда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг терроризм, конституциявий тузумга тажовуз қилиш, икки ва ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдириш, оммавий тартибсизликлар уюштириш, одамларни гаровга олиш каби жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилган.

Бош прокуратура матбуот хизмати раҳбари С. Ортиқованинг маълум қилишича, тезкор тергов гуруҳи томонидан террорчилик ҳаракатлари сабаблари, жиноятларнинг барча иштирокчиларини аниқлаш, улардан ноқонуний эгаллаб олинган қуроллар ва ўқ-дориларни қайтариб олиш, ҳалок бўлганларнинг шахсини аниқлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Қўлга олинган 98 шахсдан 52 нафари террорчилик ҳаракатларига алоқадорликда гумон қилиниб ҳибсга олинди.

Террорчилик ҳаракатлари натижасида ҳалок бўлганларнинг умумий сони 173 кишига етди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оғир ярадор бўлган яна уч нафар ходими касалхонада вафот этди.

Террорчилар қамоқдан чиқариб юборган 527 маҳбуснинг 470 нафари ўз ихтиёри билан жазони ўташ жойига қайтиб келди. Кўрилган чоралар натижасида 15 маҳбус қамоққа қайтарилди. Қолган маҳбусларни қидирув ишлари давом этмоқда.

Террорчилар қўшни давлатга зўравонлик билан олиб ўтган тинч аҳоли вакилларини Ватанимизга қайтариш чоралари кўрилмоқда. Улардан 6 киши юртимизга қайтди.

Мамлакатимиз ҳукумати ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан террорчилик ҳаракатлари оқибатларини бартараф этиш борасида комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ушбу иш бўйича тергов давом этмоқда.

**ЎзА.**

# Воқеаларни холисона ёритайлик

**«Бунёдкор» телеклубида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси аъзоларининг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилди.**

Нодавлат телерадиостанциялар вакиллари Андижон воқеаларини ёритиш, хусусан ҳудудий телерадиостудиялар журналистлари томонидан эфирга олиб чиқилган янгиликлар, таҳлилий ва бошқа ахборот кўрсатувлари юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашишди.

Республикадаги нодавлат телерадиоузатувчилар вакиллари Андижон воқеаларини ёритишда баъзи хорижий ОАВ мухбирларининг хатти-ҳаракатларига муносабат билдириб, барча ҳамкасбларини журналистиканинг умумий тамойилларига ва касб этикасига амал қилишга, жаҳон ҳамжамиятини ушбу фожиали воқеалардан холисона хабардор қилишга чақиришди.

# «Кичик олимпиада»нинг катта одимлари

● Сузиш

## Биринчи олтин медаль

**Мусобақаларнинг биринчи кунидаоқ терма жамоамиз аъзоларининг турнирга пухта тайёргарлик кўришгани ва ғолибликка асосий даъвогарлардан эканликлари яққол кўзга ташланиб қолди.**

50 ва 100 метрларга чалқанча сузиш беллашувларини кузатган мухлислар Зумрад Бобоеванинг иқтидорига тан беришди. У рақиблари билан тенгма-тенг кураш олиб бориб, сўнгги сонияларда гина тошкентлик тенгдоши Евгения Ливневага имкониятни бой бериб қўйди.

— Олтин медални қўлдан чиқарганимдан бироз афсусланаман, лекин терма жамоамиз жамғармасига кумуш медал қўшганлигимдан хурсандман, — деди Зумрад Бобоева. — Кейинги уринишларда, албатта, ғолиблик учун курашишга ҳаракат қиламан.

Сузувчиларимиз орасида Александр Цой биринчи бўлиб олтин медални қўлга киритди. У 50 метрга брасс усулида сузиш баҳсида маррани барчадан илгари забт этди. Бу вилоятимиз ёш спортчиларининг «Баркамол авлод — 2005» ўйингоҳларида илк ғалабаси сифатида ҳам қадрлидир.

— «Кичик олимпиада» олтин медалига сазовор бўлиш — азалий орзуим эди, — дея ўз ҳаяжонини яшира олмади Александр Цой. — Ниҳоят, нуфузли турнир ғолиблиги нашъасини мен ҳам татиб кўрдим. Бугунги ғалабам бутун жамоамиз руҳига ижобий таъсир этишига ишонаман.

Александр Цой навбатдаги сузишда ҳам истеъдодини ишга солиб, кумуш медални нақд қилди. Кейин эса совринли ўринларни эгаллаш навбати қизларимизга етди. Зумрад Бобоева, Мадина Абдуршина, Комила Алимова ва Гўзал Шамсиевадан иборат тўртлик кумуш медалга лойиқ топилди. Александр Цой, Рустам Умаров, Игорь Половинкин ҳамда Роман Баталин ҳам худди шундай натижани такрорлашди. Улар 200 метрга эстафета сузиш баҳсларида 8 та кумуш медалга эгалик қилишди.

Ака-ука Роман ва Дмитрий Баталинлар терма жамоамизнинг зафарли одимига муносиб улуш қўшишди. Роман 200 метрга эркин усулда, Дмитрий эса 50 метрга чалқанча усулда сузишда бронза медалларини тақдим этишди.

Ушбу спорт турида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган вакилларимиз навбатдаги баҳсларда ҳам юқори натижаларни қайд этишди. 200 метрга чалқанча сузишда Зумрад Бобоева ҳамда 100 метрга баттерфляй усулида сузишда Халима Олимова барча рақибларини ортда қолдириб, олтин медалларни қўлга киритишди. Шунингдек, 200 метрга эстафетали сузишда қизларимиз кумуш медалларни нақд қилишган бўлса, ўсмирларимиз 400 метр масофада ана шундай натижани кўрсатишди.

● Бокс

## Вакилларимиз навбатдаги босқичда

**Мусобақалар дастуридан ўрин олган бокс беллашувлари муросасиз ва кескин курашларга бой бўлмоқда. Боиси, рингда мағлубиятга учраган иштирокчи мусобақаларни томошабин сифатида кузатишига тўғри келади.**

Вилоятимиз терма жамоасидан ўрин эгаллаган ёш чарм қўлқоп усталари дастлабки курашларданоқ ҳар томонлама юксак тайёргарлик кўрганликларини исботладилар. Барча вакилларимиз илк учрашувлардаёқ рақибларидан яққол устунликка эришиб, ярим финал йўлланмасига эга чиқишди. Истеъдодли боксчиларимиз Ғолиб Тиллаев 51, Азимжон Худойқулов 54, Абдулла Абдусатторов 57, Азамат Қурбонов 60, Абдулазиз Матазимов 64, Умаржон Дўстматов 69, Темур Мамедов 75 килограмм вазн тоифасида кучлилар сифатида эътироф этилди.

Бокс мутасадди ва мураббийлари ўтаётган бокс мусобақаларининг савияси, ёш иштирокчиларнинг тайёргарлигига оид фикр-мулоҳазалари хусусида биз билан ўртоқлашдилар.

— Боксга бўлган қизиқиш, унга жойларда берилаётган эътибор кучли, — дейди беллашувларнинг бош ҳаками, Ўзбекистон бокс федерацияси бош котиби Алишер Қодиров. — Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, вилоятлардан ташриф буюрган аксарият иштирокчилар юксак спорт формасида эканлигини тобора қизиқарли тус олаётган жанглар кўрсатиб турибди. Бундай нуфузи баланд, ҳар бир иштирокчи зиммасига кучли масъулият юклайдиган турнирларнинг ўтказилиши ҳеч шубҳасиз, спорт оламида янги номларнинг кашф этилишига замин ҳозирлайди.

— Кечагина рингга қадам қўйган бошловчи спортчиларимиз бугун нафақат мамлакатимизга, балки, бутун жаҳонга машҳур бўлиб улгурдилар, — дейди Андижондан ташриф буюрган мутахассис Шуҳратбек Абдуллаев. — Жаҳон бокс юлдузлари қаторидан ўрин эгаллаган шогирдим Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳам спортга ҳавасманд ёшлардан эди. Аммо, Сидней олимпиадаси чемпионининг ўсмирлик чоғларида истеъдодини топлаб, маҳоратини оширадиган нуфузли мусобақалар деярли бўлган эмас. Афсуски, аксарият ёшлар ўзларининг нималарга қодир эканликларини кўрсатишлари учун бундай қулай имкониятлар етарли бўлмаганлиги боис, кўзга кўрина олмадилар. Қувонарлиси шундаки, шахсан мен «Баркамол авлод» рингида камол топаётган кўплаб эртанги спорт юлдузларини кўраяпман.

Дарҳақиқат, кеча якунланган чорак финал мусобақалари юқоридаги фикрларни яна бир бор тасдиқлади, десак хато қилмаймиз. Мутахассислар олтин медаль учун бўладиган шиддатли жанглар вакилларимиз ҳамда Тошкент шаҳри ва Андижон вилоятидан келган чарм қўлқоп усталари ўртасида кечишини тахмин қилмоқдалар.

Бугун ярим финал мусобақалари бўлиб ўтади. Унда чорак финал баҳслари ғолиб чиқиб, бронза медалини нақд қилган етти нафар боксчимиз рингга чиқади. Олтин медаль совриндорлари эртанги финал баҳсларида маълум бўлади.

● Миллий кураш

## Бронзага ярим очко етмади

**Пойтахтдаги Й. Оҳунбобоев номли республика тиббиёт коллежида икки кун давом этган миллий кураш бўйича баҳслар кутилганидан ҳам қизиқарли ва ҳаяжонли кечди. Айниқса, номдор, кўпчиликка таниш полвонларнинг иштирок этиши баҳсларнинг янада жонли ўтишига хизмат қилди.**

50 килограмм вазн тоифасидаги саралаш мусобақаларида 12 курашчи беллашиб, финалга бухоролик Ризамат Саидов ҳамда Навоий вилояти вакили Фахриддин Жамолов етиб келишди. 4 дақиқа давомида ғолиб аниқланди: навоийлик полвон соф ғалабага эришди.

60 килограмм вазнлилар ўртасида кечган финалда вакилимиз Элдор Умаров ҳамда бухоролик Жонибек Муқимов бел олишди. Мутахассислар Элдорнинг ғалабасини тахмин қилишган эди. Лекин, бу гал бухоролик полвон устунликка эришди.

71 килограммли вазн тоифасидаги курашчилар баҳсида самарқандлик Элмурод Шерназаров барчадан устун эканлигини финалда исбот этди.

Қашқадарёлик Фазлиддин Мейлиев ҳамда вилоятимиз вакили Сайдулло Жўраев 77 килограмм вазнда финалга чиқиб, ўзаро куч синашишди. Шиддатли кечган курашда вакилимиз ўз мураббийларининг ишончини тўла оқлаб, олтин медаль соҳиби бўлди.

Мусобақаларнинг иккинчи куни спортчилар 55, 65, 77 (ўсмирлар) ва 52, 57, +57 вазн тоифаларида гиламга тушишди. 55 килограмм оғирликдаги полвонлар ўртасида Самарқанд вилояти вакили Озод Пардаев, 65 килограммда бухоролик Валижон Болтаев, Қашқадарё вакили Сарвар Рўзибоев 77 килограммда ғолиб бўлишди.

Ўғилжон Рўзиметова (Хоразм), Гулзира Каримова (Андижон), Муқаддас Кубеева (Самарқанд), Сожида Мадаминова (Фарғона) 52 килограммли қизлар орасида фахрли ўринларни қўлга киритишди.

57 килограммда гиламга тушган қизлар ўртасидаги шиддатли баҳсларда жиззахлик Ирода Абдураҳмонова биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Наманган вилояти вакили Феруза Ҳамиджоновага насиб этди. Пойтахтлик Анна Замонова ҳамда Муҳайё Сатторова учинчи ўринни бўлиб олишди.

57 килограммдан юқори оғирликдаги полвон-қизлар орасида Мария Шекерова (Тошкент шаҳри), Дилноза Қамбарова (Андижон), Нилуфар Давлатова (Хоразм), Гулмира Исматова (Самарқанд) кучли учликдан жой олишди.

**Шундай қилиб, 26 май куни миллий кураш бўйича мусобақалар ниҳоясига етиб, иштирокчиларнинг умумжамоа ҳисобида эгаллаган ўринлари қуйидагича бўлди:**

1. Тошкент шаҳри — 99,5 очко
2. Самарқанд вилояти — 97 очко
3. Андижон вилояти — 90,5 очко
4. Тошкент вилояти — 90 очко
5. Қашқадарё вилояти — 88 очко
6. Бухоро вилояти — 81 очко
7. Хоразм вилояти — 80 очко
8. Жиззах вилояти — 77 очко
9. Навоий вилояти — 74 очко
10. Фарғона вилояти — 71,5 очко
11. Сирдарё вилояти — 58 очко
12. Қорақалпоғистон Респ. — 54,5 очко
13. Наманган вилояти — 53 очко
14. Сурхондарё вилояти — 43 очко

● Белбоғли кураш

## Ғолиблар бугун маълум бўлади

**Куни кеча белбоғли кураш мусобақалари ҳам бошланиб, дастлабки ғолиблар маълум бўлди. Тўрт вазн тоифасида гиламга чиққан полвонлар совринли ўринларни қуйидаги тартибда банд этишди:**

**50 кг.**
1. Мақсуд Хўжаев (Наманган)
2. Мансур Отажонов (Хоразм)
3. Муҳаммадали Ўрунов (Тошкент ш.), Уйғун Бозоров (Навоий)

**60 кг.**
1. Жамолиддин Маҳамадов (Тошкент вилояти)
2. Наслиддин Ураимов (Андижон)
3. Жўрабек Одамбоев (Хоразм), Нодирбек Мирёқубов (Тошкент ш.)

**71 кг.**
1. Саид Абдураззоқов (Андижон)
2. Азамат Исоқов (Наманган)
3. Ғафур Одамов (Хоразм), Фахриддин Раззоқов (Фарғона)

**77 кг.**
1. Латиф Жумақулов (Андижон)
2. Абдулла Орипов (Қашқадарё)
3. Мийирман Раметов (Қорақалпоғистон Республикаси), Станислав Ким (Фарғона)

Қолган вазн тоифалари бўйича ғолиблар бугун бўладиган беллашувларда аниқланиб, умумжамоа ҳисобида эгалланган ўринлар ҳам маълум бўлади.

● Баскетбол

## Қизларимиз ярим финалда

**Баскетбол бўйича мусобақаларнинг гуруҳ баҳслари ниҳоясига етди. «С» гуруҳидаги дастлабки баҳсда қорақалпоғистонлик рақибларига имкониятни бой берган вилоятимиз ўсмирлар жамоаси кейинги учрашувда ҳам Наманган вилояти вакилларига муносиб қаршилик кўрсата олишмади.**

Гуруҳнинг сўнгги беллашувини Қашқадарё вилояти жамоаси билан ўтказган баскетболчиларимиз мезбонлик масъулиятини ҳис этдилар чоғи, 71:28 ҳисобида зафар қучдилар. Икки мағлубият ва бир ғалабадан сўнг 4 очко жамғарган жамоамиз гуруҳда 3-ўринни банд этган.

Мусобақа жадвалининг «В» гуруҳидан ўрин эгаллаган қизлар жамоамиз эса илк учрашувдаёқ қайд этган ишончли ғалабаларини қолган ўйинларда янада мустаҳкамладилар. Майдонда рақибларидан яққол устунликка эришиб, хоразмлик тенгдошларини 69:22, Қашқадарё қизларини эса 71:28 ҳисобида доғда қолдирдилар. Ҳар учала учрашувда ғалаба нашидасини сурган қизларимиз 6 очко билан гуруҳ пешқадамига айландилар.

Кеча қизлар жамоалари чорак финал ўйинларини бошладилар. Қизларимиз «Д» гуруҳида иккинчи поғонани банд этган Бухоро жамоасига қарши майдонга тушдилар. Шиддатли курашлар остида ўтган беллашувда бошиданоқ ташаббусни ўз қўлларига олган вакилларимиз эркин ва ишончли ўйин намойиш этишди. Мусобақаларда фаол иштирок этиб келаётган бухороликлар мезбон жамоанинг жиддий таъқибларига муносиб жавоб кўрсата олмай, 61:38 ҳисобида мағлубият аламини тортишга мажбур бўлдилар.

Ярим финал йўлланмасини қўлга киритиб, олтин медаль сари дадил одимлаётган қизларимизга навбатдаги масъулиятли учрашувларда ҳам омад тилаймиз.







## Кучлилар сараланмоқда

**Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежи ва «Семурғ» оромгоҳида кечаётган баҳслар тобора шиддатли тус олиб, кучлилар сараланмоқда. Вилоятимизнинг ёш ва умидли спортчилари ҳам бор маҳоратларини ишга солиб, совриндорлар қаторидан жой олишяпти.**

### ВОЛЕЙБОЛ

Ёш волейболчиларимиз дастлабки учрашувни қорақалпоғистонликларга қарши ўтказиб, 3:2 ҳисобида ғалаба қозонишганидан хабарингиз бор. Вакилларимиз 2-турда Тошкент шаҳри терма жамоасига қарши баҳс олиб боришди. Ўйин иккала тарафнинг чиройли ҳужумлари билан бошланди ва учрашувни кузатган мухлислар асло зерикишмади. Афсуски, бу сафар омад мезбонлардан юз ўгирди, ўйин пойтахтликларнинг 3:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Андижон — Сурхондарё — 3:0, Фарғона — Самарқанд — 1:3, Наманган — Хоразм — 3:0, Қашқадарё — Жиззах — 3:0, Навоий — Қорақалпоғистон Республикаси — 3:2.

Волейболчи қизлар баҳсида эса қуйидаги ҳисоблар расмийлаштирилди: Сирдарё — Самарқанд — 1:3, Наманган — Сурхондарё — 3:0, Тошкент — Қорақалпоғистон Республикаси — 1:3, Андижон — Жиззах — 3:0, Навоий — Қашқадарё — 2:3, Фарғона — Бухоро — 3:1.

Кеча эса волейболчи ўсмир ва қизларимиз турли натижаларни қайд этишди. Ўсмирлар навоийлик ёш спортчиларни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратишган бўлса, қизлар баҳсида Фарғона вилояти терма жамоаси вакилларига имконият бой берилди.

Ўсмирларимиз навбатдаги босқичга йўл олиб, чорак финалда Андижон волейболчилари билан баҳс юритишади.

### ҚЎЛ ТЎПИ

Вилоятимиз терма жамоаси ўсмирлари гуруҳдаги иккинчи ўйинни Тошкент шаҳри спортчиларига қарши ўтказишди. Кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган баҳс пойтахтликларнинг 25:23 ҳисобдаги ғалабаси билан якунланди. Қизларимиз эса, аксинча, сирдарёлик тенгдошлари билан майдонга чиқиб, 30:14 ҳисобида зафар қучишди.

### ШАХМАТ

2-тур мусобақаларида андижонликларга қарши дона суриб, 1,5:2,5 натижаси билан имконятни бой берган бўлишларига қарамай, шахматчиларимиз навбатдаги ўйинда бухороликларни 3,5:0,5 ҳисобида таслим этишди. 3-тур якунларига кўра, 9 очко жамғариб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллаган вилоятимиз терма жамоаси аъзоларининг ташаббуси тобора ортиб бормоқда. Вакилларимиз рақибларнинг деярли барчасини «мот» қилиб, ҳисобларидаги очколар сонини кўпайтириб боришаяпти.

IV турда улар фарғоналикларга қарши дона суришди ва 3,5:0,5 ҳисобида ғалаба қозонишди. Шу тариқа улар ҳисобидаги очколар 12,5 га етди. Биринчи ўрин ҳамон мезбонларда!

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Андижон — Навоий — 2:2; Қорақалпоғистон Республикаси — Самарқанд — 2:2; Қашқадарё — Сурхондарё — 3:1; Наманган — Жиззах — 2:2; Сирдарё — Тошкент шаҳри — 1:3; Бухоро — Хоразм — 0:4.

### ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Ёш спортчиларимиз мураббийлар ишончини оқлаб, мусобақаларнинг биринчи кунидаёқ 2 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритишди.

1500 метрга югуриш мусобақаларида Елена Дьяконова ҳамда Карен Назарян кумуш медални нақд қилишган бўлса, Валентина Макарова ва Андрей Петров терма жамоамиз жамғармасига бронза медалларни қўшиб қўйишди.

Енгил атлетика мусобақаларининг иккинчи куни вилоятимиз жамғармаси яна 4 та медаль билан бойитилди. 100 метрга югуришда Елена Дьяконова кумуш медални қўлга киритган бўлса, Карен Назарян ҳам иккинчи ўринни банд этди.

Узунликка сакрашда 6,58 ва 6,49 метр натижаларни қайд этган Рифқат Мустафин ҳамда Фарид Мулоянов кумуш ва бронза медалларни нақд қилишди. Шу тариқа енгил атлетикачиларимиз умумжамоа ҳисобида учинчи ўринга кўтарилиб олишди.

### ЯДРО УЛОҚТИРИШ

Ушбу тур беллашувлари ҳам қизиқарли ўтиб, спортчилар бир-биридан ажойиб натижаларни қайд этишяпти. Вилоятимиз вакиллари 2 та бронза медалини тақдим этишди. Ўсмирларимиздан Эрнест Пак 6 килограммли ядрони 14,04 метрга улоқтирган бўлса, қизлар орасида София Бурхонова 4 килограммли жисмни 11,93 метрга ирғитди. Уларнинг иккиси ҳам шоҳсупанинг 3-поғонасидан жой эгаллашди.

### ФУТБОЛ

Ниҳоят, Владимир Аҳмеров устозлигидаги ёш чарм тўп усталаримиз ҳам баҳсларга киришишди. Улар дастлабки учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоасига қарши майдонга тушиб, 4:0 ҳисобида ғалаба нашидасини суришди.

— Назарий ва амалий билимларни намунали ўзлаштирган шогирдларим бугун рақибларидан ҳар тарафлама устунлик қилишди, — деди Владимир Аҳмеров. — Мусобақанинг амалдаги чемпиони сифатида олтин медаллар учун курашамиз.

Шунингдек, 2-турда қуйидаги натижалар қайд этилди: Жиззах — Тошкент — 1:4, Хоразм — Фарғона — 2:3, Самарқанд — Сирдарё — 14:0, Бухоро — Сурхондарё — 0:0, Навоий — Наманган — 3:4.

Вилоятимиз терма жамоаси аъзолари гуруҳдаги сўнгги учрашувни қашқадарёлик тенгдошларига қарши ўтказиб, 4:2 ҳисобида зафар қучдилар. Ушбу натижа вакилларимизни чорак финалга олиб чиқди. Қолган гуруҳларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди: Фарғона — Жиззах — 0:0; Хоразм — Тошкент — 2:4; Самарқанд — Наманган — 6:1; Сирдарё — Навоий — 1:4; Бухоро — Андижон — 0:4.

## Ёш спортчилар ютуғи ёш рассомлар тасвирида

**«Баркамол авлод» спорт ўйинлари дастури доирасида Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежи биносида «Баркамол авлод — миллат келажаги» шиори остида ёш рассомлар асарлари кўргазма-танлови ташкил этилди.**

Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад ўқувчилар орасида Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, миллатлараро тотувлик, ватанпарварлик каби миллий ва маънавий қадриятларни кенг ва чуқур тарғиб этиш, мамлакатимизнинг спорт соҳасида эришаётган ютуқларини ёш рассомлар асарларида тасвирлаш орқали ўқувчиларнинг спорт ҳамда санъатга бўлган қизиқиш ва интилишларини янада кучайтириш, таълим муассасалари ўқувчилари орасида ёш истеъдодларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Танлов республика Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими Маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан уюштирилди. Кўргазмада «Баркамол авлод» ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари акс эттирилган тасвирий санъат (рангтасвир) йўналиши бўйича (мойбўёқ, акварел, қаламтасвир) асарлар намойиш этилмоқда.

Кўргазма-танлов низомига мувофиқ I, II, III ўринларни эгаллаган муаллифларнинг асарлари «Баркамол авлод» спорт ўйинлари архивида сақланади. Танлов ғолиблари нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан аниқланиб, тантанали эълон қилиниши ва тақдирланиши, битта биринчи, иккита иккинчи ва учта учинчи ўринни эгаллаган муаллифларга пул мукофотлари ҳамда эсдалик совғалари топширилиши назарда тутилган.



***СУРАТДА:** кўргазма-танлов жараёнидан лавҳа.*

**Материалларни «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, Шерзод ШУҲРАТОВ, Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, Хуршида НАЗАРОВА тайёрлашган. Суратлар муаллифлари Даврон АҲМЕДОВ ва Еркебой БОТИРОВ.**

